СССР Давлат китоб палатаси
КИБ.
Кос. нашриёт палата УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН НАШР ҚИЛИНА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 147 (20. 714) • 1990 йил 30 июнь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVIII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг 27 июнь куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон ССР делегациясининг 1990 йил 21-23 июнь кунлари Олмаота шаҳрига қилган сафари якунлари муҳокама этилди.

Мажлисда ана шу учрашувда қабул қилинган ҳужжатлар — «Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон халқларига Мурожаатнома», «Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Туркманистон ССР раҳбарларининг Баёноти», иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро Битим мазкур регионда тарихан таркиб топган алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун негиз бўлиб хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Бюро Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг учрашувига Ўзбекистон ССР делегацияси сафари якунларини маъқуллаб, вилоят, шаҳар, район партия комитетларига, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг, министрликлар ва идораларнинг коммунист раҳбарларига белгиланган қарорларни рўёбга чиқариш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришни, Олмаотада бўлиб ўтган учрашувнинг асосий сиёсий якунларини барча бошланғич партия ташкилотларига етказиш вазифасини топширди. Жумҳуриятлар ташкилотлари, меҳнат жамоалари ўртасида кенг кўламли алоқаларни ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашилсин, иқтисодиётда мустаҳкам ва ўзаро фойдали ҳамкорликка, маданият ва санъат соҳасида бир-бирларини ўзаро бойитишга, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинсин.

Марказий Комитет Бюроси ҳисобот-сайлов партия йиғилишларида, конференцияларда ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида Марказий Комитет шанига айтилган танқидий мулоҳазаларни, илтимос ва таклифларни рўёбга чиқаришга оид тадбирларни тасдиқлади. Ўзбекистон ССР Олий Совети ва жумҳурият Министрлар Кенгаши шанига айтилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифлар улар кўриб чиқиши учун юборилди. Марказий Комитет Бюросининг аъзолари М. И. Иброҳимов ва Ш. Р. Мирсаидов ўртоқларга ана шу мулоҳазалар, илтимослар ва таклифларни амалга оширишга доир ишларни йўлга қўйиш вазифаси топширилди. Масалаларни ўртага қўйган ўртоқлар кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилинсин.

Бюро Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг назорат-тафтиш комиссиясини тузиш тўғрисидаги қарори муносабати билан XXII съездгача тушган барча шахсий ишлар ва шикоятлар хусусида узил-кесил қарорлар қабул қилиб, уларни Ўзбекистон Компартияси назорат-тафтиш комиссияси муҳокамасига топширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблади.

Марказий Комитет Бюроси мажлисида жумҳуриятнинг ижтимоий-сиёсий турмушига оид бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

1990 йил 29 июнь куни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди.

Пленум муҳокамасига КПССнинг бўлажак XXVIII съезди масалалари киритилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев маъруза қилди.

Пленумда: Чита вилоят партия комитетининг биринчи котиби Н. И. Мальков, Иркутск вилоят партия комитетининг биринчи котиби В. И. Потапов, СССР ўрмон саноати министри В. И. Мельников, СССРнинг Монголия Халқ Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси В. И. Ситников, СССР телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси М. Ф. Ненашев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, шахсий пенсионер Я. П. Рябов, Мари вилоят партия комитетининг биринчи котиби Г. А. Посибеев, СССР ички ишлар министри В. В. Бакатин, ВЦСПС раиси Г. И. Янаев сўзга чиқдилар.

Пленум «КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Сиёсий ҳисоботи ва партиянинг вазифалари» маърузасининг асосий қоидаларини маъқуллади ҳамда Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросига бўлиб ўтган муҳокамани ҳисобга олиб, уни узил-кесил ишлаб чиқишни топширди.

Пленум съездда маъруза қилишни КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачевга топширди.

Пленум КПСС XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Дастурий баёноти ҳамда КПСС Устави лойиҳаларини асосан маъқуллади ва бу ҳужжатларни съезд муҳокамасига қўйишга қарор қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тугаллади.

ДЕЛЕГАТЛАР ФИКРЛАШИБ ОЛИШДИ

28 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида КПСС XXVIII съездига жумҳурият партия ташкилотидан сайланган делегатлар билан учрашув бўлди. Учрашув қатнашчилари мамлакат коммунистлари анжуманига тайёргарликнинг бориши, партия тушиб қолган мураккаб вазият, жамиятдаги барча соғлом кучларни жипслаштириш зарурлиги тўғрисида фикрлашиб олдилар. КПСС Марказий Комитетининг съездга ҳужжатлари, жумладан КПСС XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Дастурий баёноти лойиҳаси муҳокама қилинди.

Делегатлар съезднинг раҳбар органларига Ўзбекистон Компартиясидан номзодларни муҳокама қилдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

БИЗ—ПАРТИЯ БИРЛИГИ ТАРАФДОРИМИЗ

Жумҳурият партия ташкилотидан КПСС XXVIII съезди делегатлари 29 июнь куни Тошкентдан Москвага жўнаб кетишди. Партия ташкилотларининг коммунистлари ўзининг шахсан аниқ йўлига эга бўлган, партия, меҳнаткаш халқ манфаатларини сўзда эмас, амалда ҳимоя қилишга тайёр турган кишиларни ўзларининг мухтор вакиллари этиб сайладилар. Ҳозирги, жамият ва партия бошидан кечираётган мураккаб вазиятда жумҳурият делегатлари КПССнинг бирлиги, барча соғлом кучлар жипслиги учун курашиш иштиёқи билан тўлиб-тошганлар.

Съездга тайёргарлик чоғида КПСС янги Устави ва Ҳаракат дастури лойиҳалари, бошқа ҳужжатлар бошланғич партия ташкилотларида кенг муҳокама қилинди. Коммунистлар ўз фикр-мулоҳазаларини айтишди, тузатишлар киритишди. Делегатлар ана шу таклифларни съездда ҳимоя қилишлари керак бўлади.

Иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтишга тайёргарлик жумҳурият меҳнаткашлари орасида кўп гапларга сабаб бўлди. Бундай қадам зарурлигини тушунган меҳнаткашлар ўз манфаатлари ҳимоя қилинишига кафолат берилишини хоҳламоқдалар. Коммунистлар бу масала хусусида ҳам ўз сўзларини айтишлари керак.

(ЎзТАГ).

• Съезд делегати

ИСТЕЪДОД СОҲИБАСИ

Гулчеҳра Жамилова Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездидан ҳамкасби, жумҳурият халқ артисти Ёқуб Аҳмедов билан қайтди.

— Иккаламиздан бирон-тамиз ҳам сўзга чиқмадик, — деди ҳамроҳи, — театрдошларимиз таъна қилишмасмикин ишқилиб, Гулчеҳрахон?

— Нега энди. Биринчидан, ҳамманинг сўзга чиқиб улгуриши қийин. Иккинчидан, кўп гапларни Уюшмамиз раиси Бернора Қориева ўз нутқида айтиб ўтди-ку.

— Тўғри, айниқса, у кишининг «бугунги кунда давлат театрларини қайта ташкил этиш, профессионал театр студияларининг, истеъдодли одамларнинг нормал ҳолда ишлашига кафолат бериш учун иқтисодчиларнинг, социологларнинг жиддий ҳиссаси зарур», деган мулоҳазалари айни муддао бўлди. Энди Москвада бўладиган съездга тайёрланиш керак. Кўнглингиздаги фикрларингиз кўпчиликнинг дилидаги гап бўлишига ишонаман...

Ҳа, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Жамиловани анчадан бери тўлқинлантириб келаётган муаммо ҳақида бошқалар ҳам бош қотириб юрибди. Лекин унинг ҳал бўлиши чўзилиб кетяпти. Бу муаммо коммунистларнинг олий анжумани, мамлакатимизнинг бош йиғини минбаридан айтилса, ҳал бўлиши, балки, тезлашар. «Бошқа театрчи делегатлар ҳам гапиришар. Агар улар олдинроқ сўзга чиқишса, қўллаб-қувватлайман ва ўзим жумҳуриятимиз театрлари мисолида гапираман. Хуллас, гапираман!» — қатъий аҳд қилди актриса, хаёлидан шундай фикрлар кечар экан.

Ахир, қандай қилиб театр хўжалик ҳисобига ўтиши мумкин? Театр ишлаб чиқариш корхонаси эмас-ку? Хўжалик ҳисобига ўтилса, пул орқасидан қувиш керак бўлади. Пул орқасидан қувиб, бадиий савияни пасайтиришни, бадиий-эстетик тарбия маскани бўлган театрнинг обрўйини туширишни истамаймиз. Давлат театри давлат қарамоғида бўлсагина, ўз функциясини қониқарли бажариши, яъни халққа сифатли маданий хизмат кўрсатиши мумкин. Дотациясиз театр бўлиши мумкин эмас.

Гулчеҳра Жамилованинг ҳаёт ва ижод йўлига назар ташласак, ҳақиқатан ҳам у халқимизга, миллий маданиятимизга муносиб хизмат қилиб келаётганига амин бўламиз. Унинг «Вероналик икки йигит» спектаклида яратган илк образи куни-кечагидай томошабинларнинг ёдида, театр мухлисларининг учун қадрдон бўлиб қолган. «Бой ила хизматчи» драмасидаги Жамила роли унга топширилганида ҳеч ким шубҳа билдирмаган. Ўз вақтида атоқли санъаткорлар томонидан яратилган, талқин этилган бу масъулиятли образни ҳам ёш актриса ўзига хос бўёқларда, оригинал қилиб кўрсатган эди. Гулчеҳра муваффақиятларининг сири шунда эдики, у фақат ўзига хосликка интиларди, кузатганларидан келиб чиқиб, образга янгича чизгилар беришга ҳаракат қиларди. Айни вақтда ролга (режиссёрга, муаллифга маъқул келса) ўзининг қарашларини ҳам сингдириб юборишга интиларди. Шу боисдан ҳам етмишинчи йилларнинг бошларида санъатшунослар ўзбек театр маданиятига ёрқин бир талант кириб келганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлашган эди.

Актриса роль танламайди. У режиссёр лозим топса, комик ролларни ҳам, трагик асарлардаги образларни ҳам драматик роллар қаторида ўйнайверади. Бундай ишни ҳар қандай артист ҳам бажара олмайди. Қолаверса, ижрочиларнинг, ўзларида ҳам шундай фаолиятга нисбатан кўпинча қатъий ишонч бўлмайди. Лекин Гулчеҳра Жамилова ҳозирга қадар яратган образларининг бирортасини шунчаки ижро этган эмас. «Ганг дарёсининг қизи» спектаклидаги Камола, «Шакунтала»даги Шакунтала, «Зебуннисо»даги Зебуннисо, «Отелло»даги Дездемона, «Келинлар қўзғолони»даги Муҳайё образлари санъаткорнинг изланишлари, фаоллиги, асарларга ижодий ёндашуви туфайли бир-биридан чиройли ишлар сифатида театр санъатимизда аҳамиятли турадиларини.

Жамилованинг кинодаги ишларини алоҳида таъкидлаш керак. Бу ўринда «Ўтган кунлар» фильмидаги Кумуш ролини айтиб ўтиш кифоя.

Биз актрисадан ана шу машҳур фильмдаги муваффақият сирларини сўраганимизда, у шундай деди:

— Биласизми, картинада Раззоқ Ҳамроев, Аббос Бакиров, Раҳим Пирмуҳамедов, Ҳамза Умаров каби улуғ, бетакрор санъаткорлар қатнашар эди. Уларнинг масъулияти мени фақат ва фақат яхши ишлашга даъват этарди. Устозларга муносиб ҳамнафаслик қилишим керак эди. Уларнинг маслаҳатларини, кўрсатмаларини ҳар қадамда эшитиб турганман. Шу боисдан устоз артистлар руҳи олдида ҳамиша таъзим қиламан.

Гулчеҳра Жамилова фаол жамоатчи ҳам. У бир неча йил театр партия ташкилоти секретарининг ўринбосари бўлди. Ҳозир «Ёш гвардия» театри коммунистларига раҳбар. Театрнинг ташвишларини ўзининг ташвишлари деб билади. Бош режиссёр, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев изланишларини қўллаб-қувватлар экан, унга партком сифатида ёрдам беришга интилади.

Ю. БЕРДИЕВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Президиумида

27 июнь куни республика Министрлар Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

1989 йилда ерларни давлат томонидан ҳисобга олиш якунлари ва улардан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Кўрлар жамияти моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга доир туркум тадбирлар муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Ўрта Осиё темир йўлида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ишларидаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

Республикада сабзавот-мева маҳсулотларини қайта ишлайдиган кам қувватли цехларни бунёд этишга доир илгари қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётганлиги назорат тариқасида кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Батафсил ҳисобот эълон қилинади.

(ЎзТАГ мухбири).

• Газета саҳифаларида:

● 1-БЕТ:
Партиянинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси омма орасидаги ўз обрўсини қарор топтиришдан иборат — жумҳурият партия ташкилотидан КПСС XXVIII съездига сайланган делегатларнинг фикри шундай.

● 2-БЕТ:
СССР Министрлар Советидаги мажлисда ривожланган ва самарали умумиттифоқ бозорини барча республикаларнинг куч-ғайрати билангина шакллантириш мумкинлиги эътироф этилди.

● 3-БЕТ:
Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерацияси қандай бўлади? Унинг Устави лойиҳасининг асосий бандлари.

● 4-БЕТ:
Мамлакат пойтахти саҳнасида.
Тиббиёт олимлари маслаҳат-кенгаши ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССРда КОНСТИТУЦИОН НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Ўзбекистон ССРда конституцион назоратнинг мақсадлари**

Ўзбекистон ССРда конституцион назорат давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳужжатларининг Ўзбекистон ССР Конституциясига, Қорақалпоғистон АССРда эса — Қорақалпоғистон АССР Конституциясига мос бўлишини таъминлаш, шахснинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини, Ўзбекистон ССР халқларининг ҳуқуқларини, совет жамиятининг демократик негизларини муҳофаза қилиш мақсадида таъсис этилган.

2-модда. **Конституцион назорат органлари**

Ўзбекистон ССРда конституцион назоратни Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети, Қорақалпоғистон АССРда эса Қорақалпоғистон АССР Конституцион назорат комитети амалга оширади.

3-модда. **Конституцион назорат органлари фаолиятининг асосий принциплари**

Ўзбекистон ССРда конституцион назорат органлари социалистик қонунчилик, коллегиаллик ва ошкоралик асосида иш олиб боради.

Ўзбекистон ССРда конституцион назорат органлари мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон ССР Конституциясига, Қорақалпоғистон АССРда эса — Қорақалпоғистон АССР Конституциясига ҳам буйсунадилар.

Конституцион назорат органлари фаолиятига ҳеч қандай аралашувга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

4-модда. **Ўзбекистон ССРда конституцион назорат тўғрисидаги қонунлар**

Ўзбекистон ССРда конституцион назоратнинг вазифалари, уни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби Ўзбекистон ССР Конституциясига, ушбу Қонун билан, Қорақалпоғистон АССРда эса — шунингдек Қорақалпоғистон АССР Конституциясига ва Қорақалпоғистон АССРда конституцион назорат тўғрисидаги Қорақалпоғистон АССР Қонуни билан белгиланади.

II. ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИОН НАЗОРАТ КОМИТЕТИНИНГ ҲАЙЪАТИ ВА УНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ

5-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг ҳайъати.**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассисларидан комитет раиси, раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон АССР вакилини қўшиб ҳисоблаганда комитетнинг 9 аъзосидан иборат қилиб сайланади.

6-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетини сайлаш**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг аъзолари, раиси, раис ўринбосарини Ўзбекистон ССР Олий Совети ўн йил муддатга сайлайди.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг шахсий ҳайъати тўғрисидаги таклифни Ўзбекистон ССР Олий Советига Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси тақдим этади.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети фаолиятида узлуксизликни таъминлаш мақсадида ҳар беш йилда унинг ҳайъатининг ярми янгиланади.

Комитетнинг янги сайланган аъзолари сайланган вақтларидан бошлаб ўз лавозимларини эгаллайдилар.

7-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахсларнинг қасамёди**

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахсларни қасамёд қилдиради.

Қасамёд матни: «Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети аъзосининг зиммамга юкланган вазифаларини виждонан бажаришга, бунда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Конституциясининг барча қоидаларига бўйсунишга ва улардан бошқа ҳеч нарсага бўйсунмасликка тантанали қасамёд қиламан».

8-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахснинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахснинг ваколатлари: унинг истеъфога чиқиш тўғрисидаги илтимосига биноан; саломатлиги ўз вазифаларини бажаришига тўсқинлик қиладиган даражада ёмонлашганлиги муносабати билан; қасамёдни бузган тақдирда; республикадан ташқарига чиқиб кетган тақдирда; суднинг унга нисбатан айблов ҳукми қонуний кучга кириши муносабати билан муддатидан илгари тўхтатилиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети ҳайъатига кирувчи шахснинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиялари оралиғидаги даврда Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахснинг ваколатлари у қасамёдни бузган ёки суднинг унга нисбатан чиқарган айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда тўхтатиб турилади. Ваколатни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси томонидан қабул қилинади.

9-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига қўшимча равишда**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети ҳайъатига кирган шахс муддатидан олдин чиқиб кетган тақдирда Ўзбекистон ССР Олий Совети ваколатининг қолган муддатига комитет ҳайъатига бошқа шахсни қўшимча равишда сайлайди.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети ҳайъатига кирган шахс унинг ваколат муддати тугашига бир йилдан камроқ вақт қолганда чиқиб кетган тақдирда унинг ўрнига комитетга янги аъзо сайланмайди.

III. ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИОН НАЗОРАТ КОМИТЕТИ ВАКОЛАТЛАРИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИ

10-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети назорат қиладиган ҳужжатлар**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети:

Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига киритилган Ўзбекистон ССР қонунларининг ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари;

Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан қабул қилинган Ўзбекистон ССР қонунлари ва бошқа ҳужжатлар;

Қорақалпоғистон АССР Конституциясининг Ўзбекистон ССР Конституциясига мослигини қараб чиқади.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети:

Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонлари;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг қарорлари ва фармойишлари;

Қорақалпоғистон АССР қонунлари;

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари;

Ўзбекистон ССРнинг ратификация қилиш ёки тасдиқлаш учун тақдим этилган халқаро шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятлари;

Ўзбекистон ССР Олий суди Пленумининг раҳбарий тушунтиришлари;

Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳакаминининг норматив тусдаги ҳужжатлари, шунингдек бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ прокурор томонидан назорат қилинмайдиган норматив ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон ССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини назорат қилиб боради.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССРда КОНСТИТУЦИОН НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг назорат қилиш вазифалари судларнинг ҳукми ва бошқа қарорларига, тергов, прокуратура, давлат ҳакамлиги органларининг гражданлик, жиноий, маъмурий ишларга доир қарорларига таалluқли эмас.

11-модда. **Келишмовчиликларни кўриб чиқиш**

Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қабул қилган ҳужжатлар Конституцияга мувофиқлиги хусусида улар орасида келишмовчилик чиққан ҳолларда Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети исталган баҳслашувчи томоннинг ташаббуси билан ана шу келишмовчиликларни ушбу Қонунда белгилаб қўйилган қоидаларга ва Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг иш тартибига мувофиқ равишда кўриб чиқади.

12-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети кўриб чиқиши учун масалаларни киритиш**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети:

1) Ўзбекистон ССР Олий Советининг топшириғига биноан Ўзбекистон ССР Олий Советида кўриб чиқиш учун киритилган Ўзбекистон ССР қонунлари ва ўзга ҳужжатлари лойиҳалари хусусидаги;

2) Ўзбекистон ССР халқ депутатлари камида бешдан бир қисмининг, Ўзбекистон ССР Президентининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг таклифига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилган Ўзбекистон ССР қонунлари ва ўзга ҳужжатлар хусусидаги;

3) Ўзбекистон ССР Олий Советининг топшириғига биноан Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонлари хусусидаги;

4) Ўзбекистон ССР Олий Советининг топшириғи, Ўзбекистон ССР Президентининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг таклифларига биноан — Қорақалпоғистон АССР Конституцияси ва Қорақалпоғистон АССР қонунлари хусусидаги;

5) Ўзбекистон ССР Олий Совети топшириғи билан Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг камида бешдан бир қисмининг, Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг таклифларига биноан — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартнома мажбуриятлари ва бошқа мажбуриятлари хусусидаги;

6) Ўзбекистон ССР Олий Советининг топшириғига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиялари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг, Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети, Ўзбекистон ССР Олий Суди, Ўзбекистон ССР Прокурори, Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳаками, жамоат ташкилотлари республика органлари ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг таклифларига биноан Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ прокурорлик назорати амалга оширилмайдиган бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг норматив ҳуқуқий ҳужжатлари хусусидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қабул қилади.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тузиладиган ёки сайлаб қўйиладиган бошқа органларнинг ҳужжатлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорлари Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР қонунларига мослиги ёки мос эмаслиги тўғрисидаги масалани ўз ташаббуси билан кўриб чиқишга ҳам ҳақлидир.

Башарти, давлат бошқарув органлари, суд прокурорлик ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва қонунни қўллловчи органлар, жамоат ташкилотлари ва гражданлар қонун ёки ўзга норматив ҳужжат билан Ўзбекистон ССР Конституцияси ўртасида тафовут борлигини аниқласалар, бу ҳақда масалани Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетида кўриб чиқиш учун топширишга ваколатли бўлган органга хабар қиладилар.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети ўз ваколатига мос келмагани учун айрим топшириқлар, таклифлар ва мурожаатларни рад этишга ҳақлидир.

13-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг ўз ташаббуси билан масалаларни кўриб чиқишга қабул қилиши**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети Раиси, раисининг ўринбосари ва комитет аъзолари Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети ўз ташаббуси билан кўриб чиқиши учун масала киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Масалани кўриб чиқиш тўғрисидаги қарор мажлисда қатнашаётган комитет аъзолари кўпчилигининг овози билан қабул қилинади.

14-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг раиси ва раис ўринбосари**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг раиси комитет ишига умумий раҳбарлик қилади, ўз ташаббуси билан ёки комитетнинг камида уч аъзосининг таклифига кўра комитетнинг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади, шунингдек, ушбу Қонун билан унинг зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети раисининг ўринбосари комитет раиси берган ваколатга мувофиқ унинг баъзи вазифаларини бажаради ва раис бўлмаган ҳолларда ёки у ўз вазифаларини бажариш имкониятига эга бўлмаганда унинг ўрнини эгаллаб туради.

Комитет раиси ва унинг ўринбосари ўз вазифаларини амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган ҳолларда раис ёки унинг ўринбосари ўз вазифаларини бажариш учун қайтиб келгунга қадар ёки Ўзбекистон ССР Олий Совети янги раис ва раис ўринбосарини сайлагунга қадар комитет ўз ичидан раис сифатида иш олиб борадиган муваққат раисни сайлайди.

15-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг аъзолари.**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг аъзоси комитет кўриб чиқаётган барча масалаларда ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эгадир.

Комитет аъзоси комитет ўзи кўриб чиқаётган ҳужжатлар ва ҳужжат лойиҳаларининг Ўзбекистон ССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР Қонунларига мослиги ёки мос эмаслиги тўғрисидаги масала юзасидан хулоса қабул қилгунга қадар, комитет аъзоси бу ҳақдаги ўз фикрини кўпчилик олдида айтиш ҳуқуқига эга эмас.

16-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетида масалани кўриб чиқишга тайёрлаш**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг раиси масалани комитет мажлисида кўриб чиқишга тайёрлашни комитетнинг бир ёки бир неча аъзосига топширади ва топшириқни бажариш муддатини белгилаб қўяди, бу муддат олти ойдан ошмаслиги керак.

Масалани тайёрлаш давомида комитет аъзолари:

давлат органлари ва жамоат ташкилотларидан ушбу масалага таалluқли ҳар қандай ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олишга;

тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари мансабдор шахсларининг изохларини тинглашга;

маслаҳатчи сифатида олимларни ва амалиётчи ходимларни жалб қилишга ҳақлидирлар.

Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари мансабдор шахсларининг талаб қилинаётган ҳужжатлар ва ўзга маълумотларни комитетга тақдим этишдан бош тортиши, шунингдек, билатуриб сохта маълумот бериши қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилишларига сабаб бўлади.

17-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг масалани кўриб чиқиши**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг раиси масалани кўриб чиқишга тайёрлаш тугаллангандан кейин бир ой ичида комитет мажлисига масалани қўяди. Комитет хулосасининг лойиҳаси ҳамда унга таалluқли бўлган материаллар мажлис қатнашчиларига мажлис бўладиган кундан камида ўн беш кун олдин юборилади.

Комитетга сайланган кишиларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, мажлис қонуний кучга эга бўлади.

Комитет мажлислари очиқ ўтказилади. Давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш зарур бўлган ҳоллардагина ёпиқ мажлис ўтказилишига йўл қўйилади.

Комитет мажлисида ушбу масала кўриб чиқилишида ташаббускор бўлган органнинг вакили, ҳужжатни чиқарган ёки ҳужжат лойиҳасини тақдим этган органнинг вакили қатнашишга ҳақлидир.

Комитет мажлисида:

Ўзбекистон ССР Президенти;

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг раислари;

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раиси;

Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси, Ўзбекистон ССР Прокурори, Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳаками, Ўзбекистон ССР Адлия министри иштирок этиши мумкин.

Раислик қилувчи ёки унинг топшириғи билан комитет аъзоларидан бири кўриб чиқилаётган масаланинг моҳиятини баён қилиб беради.

Ушбу масаланинг кўриб чиқилишида ташаббускор бўлган органнинг ва ҳужжатни қабул қилган ёки ҳужжат лойиҳасини тақдим этган органнинг вакили кўриб чиқилаётган масала юзасидан ўз фикрини баён этишга ҳақлидир. Комитетнинг қарорига биноан мажлисда бошқа шахсларнинг фикри ҳам тингланиши мумкин.

Комитет хулоса қабул қилиш учун кенгаш ўтказади, унда фақат комитет ҳайъатига кирган аъзоларгина қатнашадилар.

Комитетнинг хулосаси очиқ мажлисда эълон қилинади ва босиб чиқарилиши шарт.

18-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосаси**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосасида кўриб чиқилаётган ҳужжатнинг, ҳужжат лойиҳаси ёки унинг айрим қоидаларининг Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки Ўзбекистон ССР қонунларига, тегишли ҳолларда эса Ўзбекистон ССРнинг халқаро мажбуриятларига мослиги ёки мос эмаслиги кўрсатилган ва ўзга маълумотлари комитетга тақдим этишдан бош тортиши, шунингдек, билатуриб сохта маълумот бериши қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилишларига сабаб бўлади.

17-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг масалани кўриб чиқиши**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг раиси масалани кўриб чиқишга тайёрлаш тугаллангандан кейин бир ой ичида комитет мажлисига масалани қўяди. Комитет хулосасининг лойиҳаси ҳамда унга таалluқли бўлган материаллар мажлис қатнашчиларига мажлис бўладиган кундан камида ўн беш кун олдин юборилади.

Комитетга сайланган кишиларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, мажлис қонуний кучга эга бўлади.

Комитет мажлислари очиқ ўтказилади. Давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш зарур бўлган ҳоллардагина ёпиқ мажлис ўтказилишига йўл қўйилади.

Комитет мажлисида ушбу масала кўриб чиқилишида ташаббускор бўлган органнинг вакили, ҳужжатни чиқарган ёки ҳужжат лойиҳасини тақдим этган органнинг вакили қатнашишга ҳақлидир.

Комитет мажлисида:

Ўзбекистон ССР Президенти;

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг раислари;

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раиси;

Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси, Ўзбекистон ССР Прокурори, Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳаками, Ўзбекистон ССР Адлия министри иштирок этиши мумкин.

Раислик қилувчи ёки унинг топшириғи билан комитет аъзоларидан бири кўриб чиқилаётган масаланинг моҳиятини баён қилиб беради.

Ушбу масаланинг кўриб чиқилишида ташаббускор бўлган органнинг ва ҳужжатни қабул қилган ёки ҳужжат лойиҳасини тақдим этган органнинг вакили кўриб чиқилаётган масала юзасидан ўз фикрини баён этишга ҳақлидир. Комитетнинг қарорига биноан мажлисда бошқа шахсларнинг фикри ҳам тингланиши мумкин.

Комитет хулоса қабул қилиш учун кенгаш ўтказади, унда фақат комитет ҳайъатига кирган аъзоларгина қатнашадилар.

Комитетнинг хулосаси очиқ мажлисда эълон қилинади ва босиб чиқарилиши шарт.

18-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосаси**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосасида кўриб чиқилаётган ҳужжатнинг, ҳужжат лойиҳаси ёки унинг айрим қоидаларининг Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки Ўзбекистон ССР қонунларига, тегишли ҳолларда эса Ўзбекистон ССРнинг халқаро мажбуриятларига мослиги ёки мос эмаслиги кўрсатилган ва ўзга маълумотлари комитетга тақдим этишдан бош тортиши, шунингдек, билатуриб сохта маълумот бериши қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилишларига сабаб бўлади.

17-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг масалани кўриб чиқиши**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг раиси масалани кўриб чиқишга тайёрлаш тугаллангандан кейин бир ой ичида комитет мажлисига масалани қўяди. Комитет хулосасининг лойиҳаси ҳамда унга таалluқли бўлган материаллар мажлис қатнашчиларига мажлис бўладиган кундан камида ўн беш кун олдин юборилади.

Комитетга сайланган кишиларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, мажлис қонуний кучга эга бўлади.

Комитет мажлислари очиқ ўтказилади. Давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш зарур бўлган ҳолларда ёки у ўз вазифаларини бажариш имкониятига эга бўлмаганда унинг ўрнини эгаллаб туради.

Комитет раиси ва унинг ўринбосари ўз вазифаларини амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган ҳолларда раис ёки унинг ўринбосари ўз вазифаларини бажариш учун қайтиб келгунга қадар ёки Ўзбекистон ССР Олий Совети янги раис ва раис ўринбосарини сайлагунга қадар комитет ўз ичидан раис сифатида иш олиб борадиган муваққат раисни сайлайди.

Комитет мажлисида:

Ўзбекистон ССР Президенти;

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг раислари;

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раиси;

Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси, Ўзбекистон ССР Прокурори, Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳаками, Ўзбекистон ССР Адлия министри иштирок этиши мумкин.

Раислик қилувчи ёки унинг топшириғи билан комитет аъзоларидан бири кўриб чиқилаётган масаланинг моҳиятини баён қилиб беради.

Ушбу масаланинг кўриб чиқилишида ташаббускор бўлган органнинг ва ҳужжатни қабул қилган ёки ҳужжат лойиҳасини тақдим этган органнинг вакили кўриб чиқилаётган масала юзасидан ўз фикрини баён этишга ҳақлидир. Комитетнинг қарорига биноан мажлисда бошқа шахсларнинг фикри ҳам тингланиши мумкин.

Комитет хулоса қабул қилиш учун кенгаш ўтказади, унда фақат комитет ҳайъатига кирган аъзоларгина қатнашадилар.

Комитетнинг хулосаси очиқ мажлисда эълон қилинади ва босиб чиқарилиши шарт.

18-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосаси**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосасида кўриб чиқилаётган ҳужжатнинг, ҳужжат лойиҳаси ёки унинг айрим қоидаларининг Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки Ўзбекистон ССР қонунларига, тегишли ҳолларда эса Ўзбекистон ССРнинг халқаро мажбуриятларига мослиги ёки мос эмаслиги кўрсатилган ва ўзга маълумотлари комитетга тақдим этишдан бош тортиши, шунингдек, билатуриб сохта маълумот бериши қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилишларига сабаб бўлади.

Комитет хулосаси комитет ҳайъатига кирган шахсларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бу шахслар овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмаслар. Овозлар баравар бўлган тақдирда комитет раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Алоҳида фикрга эга бўлган комитет аъзоси ўз фикрини ёзма равишда баён қилиши мумкин. Бундай ҳолда комитет аъзосининг алоҳида фикри комитет хулосасига мустақил қисм тарзида киритилади.

19-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосаларини Ўзбекистон ССР Олий Советига юбориш**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига киритилган Ўзбекистон ССР қонунлари ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари, Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилган Ўзбекистон ССР қонунлари ва бошқа ҳужжатлар хусусидаги, шунингдек Қорақалпоғистон АССР Конституциясига ва Қорақалпоғистон АССР қонунларига доир хулосалари Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдим этилади.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг ушбу моддада кўрсатилган хулосаларини қабул қилиши Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилган Ўзбекистон ССР қонунлари ва ўзга ҳужжатларнинг, Қорақалпоғистон АССР Конституцияси ёки унинг айрим қоидаларининг амал қилишини тўхтатиб қўймайди.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилган ҳужжат, шунингдек Қорақалпоғистон АССР Конституцияси ёки унинг айрим қоидалари Ўзбекистон ССР Конституциясига мос эмаслиги тўғрисидаги хулосаси Ўзбекистон ССР халқ депутатлари умумий сони учдан икки қисмининг овози билан қабул қилинган Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори билан рад этилиши мумкин. Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосаси Ўзбекистон ССР Олий Советининг яқин вақт ичида бўладиган мажлисида муҳокамага ва овозга қўйилади.

20-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосасини ҳужжатни чиқарган идорага юборилиши**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосаси барча ҳолларда бу хулоса қайси ҳужжат хусусида чиқарилган бўлса, шу ҳужжатни қабул қилган органга; масалани кўриб чиқишда ташаббускор бўлган органга ва айни вақтда Ўзбекистон ССР Президентига ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раисига юборилади.

21-модда. **Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки Ўзбекистон ССР қонунига мос келмайдиган ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ёки унинг ўз кучини йўқотиши**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг ҳужжат ёки унинг айрим қоидалари Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки Ўзбекистон ССР қонунига мос эмаслиги тўғрисида қабул қилган хулосаси, ушбу Қонуннинг 19-моддасида кўзда тутилган хулосалардан ташқари, ҳужжатнинг бутунлай ёки унинг айрим қисмининг амал қилиниши мазкур номувофиқлик тугатилгунга қадар тўхтатиб қўйилади.

Ҳужжат ёки унинг айрим қоидаларини қўллаш мумкин эмаслиги ҳақидаги хабар амал қилиши тўхтатиб қўйилган ҳужжат қандай тартибда эълон қилинган ва тарқатилган бўлса, худди шу тартибда эълон қилинади ва тарқатилади.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг муайян норматив ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг айрим қоидалари Ўзбекистон ССР Конституцияси ҳамда Ўзбекистон ССР ҳам иштирок этаётган халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиши қайд этилган хулосаси комитет хулоса қабул қилган пайтдан бошлаб бундай ҳужжат ёки унинг айрим қоидалари ўз кучини йўқотишига сабаб бўлади.

22-модда. **Ҳужжатнинг Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки Ўзбекистон ССР Қонунига номувофиқлигини бартараф этиш**

Ҳужжатни қабул қилган орган Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосасида кўрсатилган ҳужжат ёки унинг айрим қоидаларининг Ўзбекистон ССР Конституцияси ёки Ўзбекистон ССР Қонунига номувофиқлигини икки ой ичида бартараф этади. Зарур ҳолларда номувофиқликни бартараф этиш муддатини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси узайтириши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган муддат тугаганидан кейин, башарти номувофиқлик бартараф этилмаса, комитет тегишли бўлишига қараб Ўзбекистон ССР Олий Советига ёки Ўзбекистон ССР Министрлар Советига уларга бўйсунувчи орган ёки мансабдор шахснинг Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки Ўзбекистон ССР қонунига мос келмайдиган ҳужжатини ёхуд ҳужжатнинг айрим қоидаларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг комитет хулосасини рад этиш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон ССР халқ депутатлари умумий сони учдан икки қисмининг овози билан қабул қилинади. Агар комитет хулосасини рад этиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон ССР Олий Советида овозларнинг зарур сонини ололмаса, Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки Ўзбекистон ССР Қонунига мос келмайдиган ҳужжат ёки унинг айрим қоидалари ўз кучини йўқотади.

23-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг қонун лойиҳаларини таклиф қилиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети қонун лойиҳаларини таклиф қилиш ҳуқуқига эгадир.

Агар комитет Ўзбекистон ССР Конституцияси қоидаларига риоя этилишига тегишли қонун ҳужжатларининг йўқлиги тўсқинлик қилаётганлигини аниқласа, шунингдек, бошқа ҳолларда у Ўзбекистон ССР Олий Советига ана шундай ҳужжатни тайёрлаш ва қабул қилиш зарурлиги тўғрисида тақдимнома киритади.

IV. ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИОН НАЗОРАТ КОМИТЕТИГА САЙЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ МАҚОМИ

24-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахсларнинг мустақиллиги**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахслар ўз вазифаларини бажариш чоғида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон ССР Конституциясига бўйсунадилар. Улар ҳеч қандай давлат идоралари ва жамоат ташкилотларидан, мансабдор шахслардан кўрсатма сўрамасликлари ва олмасликлари лозим.

25-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахснинг мақоми бошқа органлар ҳайъатига киришга мувофиқ келмаслиги**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахс айни бир вақтда халқ депутати бўла олмайди, ҳужжатлари комитет томонидан назорат қилинадиган органлар ҳайъатига кира олмайди.

26-модда. **Давлат органларининг мажлисларида ҳозир бўлиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг раиси, раис ўринбосари ва комитет аъзолари Ўзбекистон ССР Олий Советининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисларида иштирок этишга ҳақлидирлар.

27-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахсларнинг дахлсизлиги**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахс комитетнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки уларга нисбатан суд йўли билан маъмурий жазо чоралари кўрилиши мумкин эмас. Розилик бериш тўғрисидаги қарор яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети ҳайъати учдан икки қисмининг овози билан қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахс комитетда ишни кўриб чиқиш чоғида билдирган фикри ёки овоз берганлиги учун бирор жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

V. ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИОН НАЗОРАТ КОМИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА КОМИТЕТ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗГА МАСАЛАЛАРИ

28-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг иш тартиби**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети комитетнинг иш тартибини қабул қилади.

29-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосалари ва ўзга материалларини эълон қилиш**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосалари ва ўзга материаллари «Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ахборотномаси»да эълон қилинади.

30-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг Секретариати**

Ахборот ва маълумот бериш ва комитет аъзолари Ўзбекистон ССР Олий Советининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисларида иштирок этишга ҳақлидирлар.

27-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг дахлсизлиги**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахс комитетнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки уларга нисбатан суд йўли билан маъмурий жазо чоралари кўрилиши мумкин эмас. Розилик бериш тўғрисидаги қарор яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети ҳайъати учдан икки қисмининг овози билан қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахс комитетнинг ваколат муддати тугаётган ана шундай ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги тўғрисида тақдимнома киритади.

IV. ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИОН НАЗОРАТ КОМИТЕТИГА САЙЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ МАҚОМИ

24-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахсларнинг мустақиллиги**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахслар ўз вазифаларини бажариш чоғида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон ССР Конституциясига бўйсунадилар. Улар ҳеч қандай давлат идоралари ва жамоат ташкилотларидан, мансабдор шахслардан кўрсатма сўрамасликлари ва олмасликлари лозим.

25-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахснинг мақоми бошқа органлар ҳайъатига киришга мувофиқ келмаслиги**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахс айни бир вақтда халқ депутати бўла олмайди, ҳужжатлари комитет томонидан назорат қилинадиган органлар ҳайъатига кира олмайди.

26-модда. **Давлат органларининг мажлисларида ҳозир бўлиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг раиси, раис ўринбосари ва комитет аъзолари Ўзбекистон ССР Олий Советининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисларида иштирок этишга ҳақлидирлар.

27-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг дахлсизлиги**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахс комитетнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки уларга нисбатан суд йўли билан маъмурий жазо чоралари кўрилиши мумкин эмас. Розилик бериш тўғрисидаги қарор яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети ҳайъати учдан икки қисмининг овози билан қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахс комитетда ишни кўриб чиқиш чоғида билдирган фикри ёки овоз берганлиги учун бирор жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

V. ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИОН НАЗОРАТ КОМИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА КОМИТЕТ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗГА МАСАЛАЛАРИ

28-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг иш тартиби**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети комитетнинг иш тартибини қабул қилади.

29-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосалари ва ўзга материалларини эълон қилиш**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосалари ва ўзга материаллари «Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ахборотномаси»да эълон қилинади.

30-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг Секретариати**

Ахборот ва маълумот билан таъминлаш ва бошқа ёрдамчи ишларни Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг Секретариати бажаради. Комитет Секретариати тўғрисидаги Низомни, унинг структураси ва штатларини Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети тасдиқлайди.

31-модда. **Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг муҳри**

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат герби тасвирланган ҳамда ўзбек ва рус тилларида ўз номи кўрсатилган муҳри бўлади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 20 июнь.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Қарори

Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРда Конституцион назорат тўғрисида»ги Қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида

Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРда Конституцион назорат тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРда Конституцион назорат тўғрисида»ги Қонуни 1990 йил 1 июлдан кучга киритилсин.

Мазкур Қонуннинг Қорақалпоғистон АССР Конституцияси ва қонунларининг мувофиқлигини назорат қилишга оид қоидалари Ўзбекистон ССР Конституциясининг Ўзбекистон ССР Миллий-давлат ҳамда маъмурий территориал тузилиш тўғрисидаги бўлимига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритиш билан бир пайтда кучга киради. Бу қоида Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети 1990 йил 1 июлдан гражданларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига оид норматив қонун ҳужжатлари устидан назоратни амалга оширишига тааллуқли эмас.

2. «Ўзбекистон ССРда Конституцион назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 6-моддасида кўзда тутилган Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети таркибини янгилаб туриш принципини амалга ошириш мақсадида комитетнинг раиси комитетнинг биринчи ҳайъати сайланиши билан беш йилдан сўнг комитетнинг ваколат муддати тугайдиган 5 аъзосини қуръа ташлаш йўли билан аниқлаши белгилаб қўйилсин. Шундан кейинги сайловларда комитетнинг ҳар бир аъзоси ўн йил муддатга сайланади.

3. Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахслар меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш масалаларида ҳамда фаолиятини таъминлашнинг бошқа шарт-шароитлари жиҳатидан Ўзбекистон ССР халқ депутатларига тенглаштирилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 20 июнь.

УЧ ЎЗАК МАСАЛА

Мамлакатимиз коммунистлари ва барча меҳнаткашлар навбатдаги ой бошида ўз ишини бошлайдиган КПСС XXVIII съездига катта умид боғламоқдалар.

Очиғини айтганда, Ўзбекистон коммунистларининг йигирма иккинчи анжумани аввалгиларига ўхшамади, ҳар жиҳатдан, айниқса, бош масаланинг қўйилиши, муҳокамаси ва ечими жиҳатидан, тамомила ўзгача — янгиланиш даврига мос бўлди. Қурултой муҳокамасига қўйилган сиёсий маъруза ижтимоий-сиёсий ўткирлиги билан ҳам ижодий, ҳам ижобий ҳужжат. Унда ўзбек халқининг дилидаги гаплар ўртага ташланди.

Фирқа қурултойининг очилиши, Марказқўм Сиёсий маърузаси ойнаи жаҳон орқали кўрсатилиши ҳам янги давр меваси. Бу билан жуда катта ғоявий, руҳий ва сиёсий ютуққа эришилди. Чунки жамиятимизда йиғилиб қолган муаммоларни қандай қилиб ва қайси йўллар билан амалда ҳал қилиш масалалари умумхалқ эътиборида бўлди. Кўпчилик маъқуллаган масалалар бир талай, аммо энг маъқуллари асосан учта: кўкракка урриб мақтаниш бўлмади. Ҳозирги оғир вазиятга ошкора, однлона ва дангал баҳо берилди. Қолаверса, таназзулдан қутулишнинг ягона йўли дадил айтилди.

Булар нималардан иборат: муносабатлардаги номутаносиблик, тенгсизликка барҳам берилсин, иқтисодий жиҳатдан тенглик даражаси таъминланмай туриб, бозор муносабатига ўтилмасин.

Ишлаган тишлайди, деган социалистик принцип тўла амалга ошсин, энг кўп фойда келтирадиган олтин, «оқ олтин», пилла ва

КАСАБА УЮШМАЛАРИ—ТУБДАН ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДАН

ЖУМҲУРИЯТДА демократик жараёнларнинг ривожланиши касаба уюшмалари замиридаги ижтимоий давр талабларига тағин ҳам кўпроқ мос бўлиши учун ана шу энг оммавий жамоат ташкилотининг янги мавқеи, уни тубдан янгилаш тўғрисидаги масалани жуда ўткир қилиб қўймоқда. Ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва бошқа муаммоларнинг кескинлиги Ўзбекистон Касаба уюшмаларидан меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини янада самаралироқ ҳимоя қилишни талаб қилмоқда, таркиб топган касаба уюшмалари структурасини шунчаки такомиллаштиришни эмас, балки уларни бутунлай бузиб ташлаб, сифат жиҳатдан янги мазмун билан тўлдиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг яқинда бўлиб ўтган VIII пленуми қатнашчилари жумҳурият касаба уюшмаларининг келажагини касаба уюшмаларини давлатдан бутунлай ажратиш ҳамда давлат ва хўжалик идоралари, сиёсий ва жамоат ташкилотлари билан ихтиёрий ва тенг шериклик принципларига асосланган ўзаро муносабат шаклларини қарор топтириш, касаба уюшмаларини хўжалик ва бошқарув вазифаларидан ҳоли қилиш билан боғлиқ, деб ҳисобламоқдалар.

Ҳозир ҳаётнинг ўзи қатъий талаб қилмоқда: ё касаба уюшмалари ўз вазифасини бажаради, ёки бўлмаса, меҳнаткашлар уларнинг хизматидан воз кечиб, ўзлари учун мақбул структураларни барпо этадилар. Касаба уюшмалари ҳаракатида юзага келган тенденциялар касаба уюшмаларини жумҳуриятнинг ижтимоий-сиёсий турмушида мутлақо янги мавқега олиб чиқишга қодир бўлган асосий ғоя сифатида уларнинг федератив тузилиши ғоясини ўртага қўймоқда.

Ана шу мулоҳазалар натижасида ҳамда касаба уюшмалари фаолларининг фикрини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг VIII пленуми Ўзбекистон Касаба уюшмалари XIV съездини ўтказиш муддатини яқинлаштириш ва уни 1990 йил 11 сентябрда ўтказишга, жумҳуриятнинг бўлажак касаба уюшмалари маркази тўғрисидаги асосий ҳужжатларнинг лойиҳалари негизида кенг муноза рани авж олдириш ҳақида қарор қабул қилди.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН ССР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

ДЕКЛАРАЦИЯ

Умуман мамлакатда бўлгани каби жумҳуриятда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ривожланиши ҳозирги даврда касаба уюшмаларининг роли ва ўрни тўғрисидаги масалани янгича қўймоқда.

Касаба уюшмаларининг ғоят марказлашган жумҳурият ташкилоти ўрнига ишлаб чиқариш тармоқ, территориал-регионал ва ўз касаба уюшмалари иттифоқларининг мустақил ва ўзини ўзи бошқарувчи жамоат ташкилотлари сифатида эркин бирлашуви асосида Ўзбекистон ССР Касаба уюшмалари федерацияси барпо этилади. Федерациянинг бош мақсади меҳнаткашларнинг касб-меҳнат манфаатларини, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишда унга аъзо бўлган ташкилотларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришдан иборат.

Ўзбекистон ССР Касаба уюшмаларининг федерацияси амалда инсонни ижтимоий тараққиётнинг марказига қўйишни, унинг муносиб турмуш ва меҳнат шароитини, шахснинг ҳар томонлама камол топиши ва маънавий юксалиши учун имкониятни таъминлашни, шу мақсадда қонун лойиҳаларини таклиф қилиш ҳуқуқидан кенг фойдаланишни ўзининг вазифаси деб билади.

Федерация СССР Конституцияси, Ўзбекистон ССР Конституцияси ва совет қонунлари доирасида ҳаракат қилиб, жумҳурият касаба уюшмаларига ўзининг давлат ва хўжалик бошқарув органлари, сиёсий ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини тенг шериклик принципи асосида қурадиган чинакам мустақил ташкилот мақоми берилиши учун курашади.

Федерация бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг бутун касаба уюшмалари структурасининг дастлабки асоси, тармоқ ёки регионал уюшмаларга мансубликни белгилаш, касаба уюшмаси қўйи структураларини тузишда уларга ўзларининг маълум ваколатларини бериш йўли билан ҳал қилувчи овозга эга бўлиш ҳуқуқларини тан олади.

Ўзбекистон ССР Касаба уюшмалари федерациясининг тузилиши социализмни чинакам инсонпарвар, ижтимоий адолат, юксак ахлоқ ва маданиятли, реал халқ ҳокимияти мавжуд бўлган, миллатлар ва элатлар тенг бўлган тузум сифатида қатъиян қарор топтиришда меҳнаткашларнинг касаба уюшмалари ташкилотларининг куч-ғайратларини бирлаштириш зарурлигини акс эттиради.

Ўзбекистон ССР Касаба уюшмалари федерацияси жумҳуриятнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилиб, ихтиёрий шартнома асосида СССР Касаба уюшмалари бирлашмасига (конфедерациясига, федерациясига) киради, мамлакатнинг касаба уюшмалари ташкилотлари, чет эл касаба уюшмалари марказлари билан меҳнат аҳли манфаатларини кўзлаб байналмилал алоқаларни ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

Федерация жумҳурият касаба уюшмаси ҳаракатини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг янги принципларини ўзида мужассамлаштириб, федерацияга аъзо бўладиган ташкилотларга:

федерацияга кириш ихтиёрийлиги ва ундан эркин чиқиш;

ҳокимият ва бошқарувнинг умумжумҳурият идораларида уларнинг номидан иш олиб бориш ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

уларнинг уставлари ва программаларига мувофиқ ташкилий ва молиявий мустақиллиги;

федерация фаолиятига доир барча масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш чоғида тенг ҳуқуқийлик, алоҳида фикрни ифодалаш ҳуқуқи;

меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини, шу жумладан фавқулодда вазиятларда моддий ёрдам беришни ҳимоя қилишда ҳар томонлама мадад ва бирдамлик кафолатини беради.

Аъзо бўлган ҳар бир ташкилот федерацияга ихтиёрий қўшилар экан, федерация жумҳурият касаба уюшмаси ҳаракати бирлигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга қаратилганлигига асосланади ҳамда ушбу декларация ва уставга мувофиқ иш олиб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН ССР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ

УСТАВИ

1 УМУМИЙ ҚОИДЛАР

1.1. Ўзбекистон ССР Касаба уюшмалари федерацияси жумҳурият меҳнаткашларининг касб-меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва ҳаракат бирлигига эришишни бош мақсади қилиб қўйган мустақил ва ўзини ўзи бошқарувчи жамоат ташкилотлари сифатида тармоқ, территориал касаба уюшмалари ва бошқа касаба уюшмаларининг ихтиёрий бирлашмасидир.

1.2. Касаба уюшмалари федерацияси Ўзбекистон Касаба уюшмалари учун умумий бўлган ёки федерацияга аъзо бўлган айрим ташкилотлар имкониятларидан ташқарига чиқувчи масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади.

1.3. Касаба уюшмалари федерацияси ўз фаолиятини СССР Конституцияси, Ўзбекистон ССР Конституцияси, бошқа қонун норматив ҳужжатлари ва ушбу Устав асосида амалга оширади. Ихтиёрий шартнома асосида ССР Касаба уюшмалари бирлашмаси (конфедерацияси, федерацияси)га қўшилади.

Мамлакатнинг касаба уюшмалари ташкилотлари, чет эл касаба уюшмалари билан меҳнат аҳли манфаатларини кўзлаб байналмилал алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

1.4. Касаба уюшмалари федерацияси ҳуқуқий давлат барпо этишни қўллаб-қувватлайди, инсонпарвар, демократик социализм, Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашади, жумҳуриятда яшовчи барча халқларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш йўлида ишлашда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. Федерация ўз фаолиятининг барча соҳаларида давлат бошқарув органлари, сиёсий ва жамоат ташкилотларига бўйсунмайди ва улар томонидан назорат қилинмайди.

2. ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

Касаба уюшмалари федерацияси:

2.1. Совет қонунлари касаба уюшмалари ва уларнинг бирлашмаларига берадиган ҳуқуқларни амалга оширади.

2.2. Ўзбекистон ССР Олий Советида иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқидан фойдаланади.

2.3. Жумҳурият ҳуқумати билан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий манфаатларига дахлли масалалар юзасидан икки томонлама битимлар тузади.

2.4. Жумҳурият аҳолисининг иш билан таъминланишидаги аҳволни таҳлил қилади ва ҳукумат идораларидан меҳнаткашларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга қаратилган аниқ режаларни ишлаб чиқишни ва амалга оширишни талаб қилади.

2.5. Жумҳурият корхоналаридаги, ташкилотларидаги ва хўжаликларидаги ижтимоий-иқтисодий экологик муаммоларни ҳар томонлама ўрганади. Тегишли идораларга бу муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклифлар киритади.

2.6. Шартнома асосида регионал ва тармоқ касаба уюшмалари учун касаба уюшмалари кадрлари тайёрлаш ва таъминлайди.

2. Давлат бошқарув идоларидан жумҳуриятнинг меҳнаткашлари ҳамда уларнинг оилаларининг аъзолари ҳурмуш даражасини ошириш. Уларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш, эстетик жисмоний жиҳатдан камол топиши ва соғлом бўлиши учун зарур шароит яратиб беришни талаб қилади.

2. Касаба уюшмалари мол-хўжалик фаолиятини амалга оширади, мол-мулкка эгалик қилади.

2. Ноширлик фаолиятини амалга оширади. ўз ишида оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни хабардор қилиб боради.

2.0. Меҳнаткашларни ҳимоя қилиш йўлида турли оммавий ҳаракатларни ташкил этади ва уларга бошчилик қилади, халқ депутатлигига ўз номзодларининг сайлов кампаниясини қўллаб-қувватлайди, сайланганлар амалий фаолиятда ёрдам беради.

2.1. Уюшмалараро маданий ишлар олиб, спорт объектлари ва шу каби ларни мақсадлари бирлаштириш ҳамда қуриш чоғида ягона ташаббускор ва ташкилотчи бўлади.

3. ФЕДЕРАЦИЯ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

3.1. Ўзбекистон ССР Касаба уюшмалари федерацияси ўз фаолиятини, структурасини ва унга кирувчи касаба уюшмалари билан ўзаро муносабатларини:

тенг ҳуқуқлилик негизидаги аъзолик;

ўз уставларини, ташкилий структураларини, касаба уюшмаси бюджетини ишлаб чиқиш ва белгилашда федерация аъзоларининг мустақиллиги;

федерациянинг сайлаб қўйиладиган органларини федерацияга аъзо бўлган ташкилотларнинг бевосита ўз вакилларини юборишни йўли билан тузиш;

кўпчилик асосида қабул қилинган қарорларни бажарилиши мажбуриятлари;

федерациянинг сайлаб қўйиладиган органлари федерация аъзоси бўлган ташкилотлар олдида ҳисоб бериши;

ҳамкорликнинг фикрини, ўз позициясини ҳимоя қилиш ва тушунтириб бериш ҳуқуқини ҳурмат қилиш принциплари асосида ташкил этади.

3. 2. Федерацияга аъзолик. Федерацияга аъзолик ихтиёрийдир.

Касб, ишлаб чиқариш, тармоқ, тармоқлараро, территориал-ишлаб чиқариш, территориал принцип асосида тузилган айрим касаба уюшмалари ёки касаба уюшмаларининг бирлашмалари федерация аъзоси бўлиши мумкин.

Федерацияга аъзоларни федерация кенгаши қабул қилади. Қабул қилиш рад этилган тақдирда қарорни федерация съезди қабул қилади.

Федерацияга аъзолик:

федерациядан чиқариб юборилиши;

ташкилот тарқатиб юборилиши;

федерациядан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиниши натижасида тўхтатилиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Касаба уюшмалари федерациясидан чиқиш истагини билдирган федерация аъзолари бу ҳақда федерация раҳбариятини камида уч ой олдин огоҳлантиради. Бунда федерация олдидаги мажбуриятлар федерация кенгаши қарор қабул қилгунга қадар бажарилиши шарт.

Федерациянинг уставига риоя қилмаган ёки унинг манфаатлари ва мақсадларига зарар келтирувчи ҳаракатларни қилган федерация аъзоси бўлган ташкилотлар федерациядан чиқариб юборилиши мумкин. Чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор федерация кенгаши пленумида қабул қилинади.

Федерациядан чиқариб юборилган аъзолик ташкилоти съездга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

Федерацияни тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорни шу масала юзасидан махсус чақирилган федерация съезди қабул қилиши мумкин.

Федерация фаолияти тўхтатилган тақдирда съезд унинг мол-мулкидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Федерацияга аъзо бўлган ташкилотлар:

федерация кенгашига ўз вакилларини сайлаш, уларни чақириб олиш ва алмаштириш;

ўз вакиллари орқали федерациянинг сайлаб қўйиладиган органлари ишида қатнашиш;

касаба уюшмаси фаолиятига доир ҳар қандай масала юзасидан федерациянинг сайлаб қўйиладиган органларига мурожаат қилиш ҳамда тегишли ёрдам ва мадад олиш;

федерация съездлари ва сайлаб қўйиладиган органлари муҳокамасига ҳужжатлар лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Федерацияга аъзо бўлган ташкилотлар:

мазкур Уставга мувофиқ федерациянинг сайлаб қўйиладиган органлари қабул қилган қарорларни бажарадилар. Зарур бўлган ҳолларда федерациянинг сайлаб қўйиладиган органларига ўз фаолиятлари, тайёрланаётган тадбирлар тўғрисида ахборот берадилар;

аъзолик бадалларини тўлайдилар;

меҳнаткашларнинг касаба уюшмасига аъзолигини ўзаро тан оладилар, уни бир касаба уюшмасидан бошқасига ўтиш чоғида сақлаб қолдилар.

3.3. Федерациянинг сайлаб қўйиладиган органлари Қуйидагилар:

съезд;

федерация кенгаши;

президиум федерациянинг сайлаб қўйиладиган органларидир.

Съезд федерациянинг олий органидир. Съезд 5 йилда камида бир марта ўтказилади.

Съезд федерация кенгашининг таклифига биноан чақирилади. Съездни чақириш, унга қанча вакил юборилиши ва кун тартиби съезд ўтказилишидан камида уч ой олдин эълон қилинади. Съезд унда федерация аъзоларининг камида бешдан тўрт қисми вакиллиги бўлган ҳамда делегатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганида ваколатли деб ҳисобланади. Федерация аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талабига биноан навбатдан ташқари съездни чақириш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Федерация кенгаши навбатдан ташқари съездни чақирмаган тақдирда уни ўтказишни талаб қилган федерация аъзолари федерация кенгашининг навбатдан ташқари съездни чақириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилий комитетини тузишлари мумкин.

Съезд делегатлари федерация кенгаши белгилаб қўядиган вакиллик нормалари асосида сайланади, делегатларни сайлаш тартибини эса федерацияга аъзо бўлган ҳар бир ташкилотнинг ўзи белгилайди.

Федерацияни тузиш ва тугатиш:

федерация устави ва программасини қабул қилиш, шунингдек уларни ўзгартириш;

федерация раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш;

ушбу уставга мувофиқ федерация раиси ва кенгаши ваколатларини белгилаш;

федерация фаолиятини ҳамда қабул қилинган программаларни пул билан таъминлаш учун федерацияга аъзо бўлган ташкилотлар томонидан тўлаш зарур бўлган аъзолик бадаллари миқдорини белгилаш;

назорат-тафтиш комиссияси (тафтиш комиссияси)ни ташкил этиш, унинг ваколатларини белгилаш ва ҳисоботларни тасдиқлаш;

СССР, жумҳуриятлар касаба уюшмалари бирлашмаси (конфедерацияси, федерацияси), чет эллардаги касаба уюшмалари билан алоқалар ўрнатиш принципларини белгилаш;

федерацияга аъзо бўлган ташкилотларнинг бевосита вакиллик принципига кўра федерация кенгашига сайлаган аъзоларнинг ваколатларини тасдиқлаш мутлақ съезднинг ваколатига киради.

Федерация кенгаши федерациянинг мувофиқлаштирувчи, ижро этувчи ва фармойиш берувчи органидир.

Федерация кенгаши квота бўйича тўғридан-тўғри делегатлар юбориш орқали тузилади. Федерацияга аъзо бўлган ташкилотлар федерация кенгашига юборадиган ўз вакилларини уларнинг съездларида, конференцияларида ёки сайлаб қўйиладиган органларнинг пленумларида белгилайдилар. Уларни чақириб олиш ва алмаштириш ҳам шу тартибда амалга оширилади. Қанча вакил юбориш мумкинлигини федерация кенгаши федерацияга аъзо бўлган ташкилотлар билан келишиб белгилайди.

Кенгаш аъзолари федерация кенгаши ваколатларининг унинг съездигача амал қиладиган муддатига сайланадилар. Федерация кенгаши аъзолари уларни делегат қилиб юборган федерацияга аъзо бўлган ташкилотларнинг қарорига асосан муддатидан илгари чақириб олинишлари мумкин. Федерация кенгаши аъзоларини алмаштириш тўғрисида федерация кенгашининг президиумига унинг мажлисидан камида бир ҳафта олдин хабар қилинади.

Федерация раиси, унинг ўринбосари, котиблар федерация кенгашининг доимий аъзолари ҳисобланадилар.

Федерация кенгаши зарур бўлиб қолганида, лекин йилига камида бир марта чақирилади ва агар унинг мажлисида федерацияга аъзо бўлган ташкилотларнинг камида бешдан тўрт қисмининг вакиллиги бўлса ҳамда унинг аъзоларидан камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлсагина ўтказилади.

Федерация кенгаши:

съезддан-съездгача бўлган вақт оралиғида унинг қарорларига мувофиқ тарзда федерация фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бюджетни бошқаради;

федерацияга бўйсунувчи ҳамда меҳнаткашларни санаторийлар ва курортларда даволаш ҳамда ҳордиғини чиқариш, саёҳат-экскурсия ҳамда физкультура ва спорт ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини йўналтириб туради;

Устав ва программани ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритади;

федерациянинг йиллик бюджетини тасдиқлайди;

федерация кенгашлари котибларини сайлайди;

касаба уюшмаси газетасининг муҳарририни тасдиқлайди;

президиум ҳисоботларини тинглайди;

федерацияга аъзо бўлган ташкилотлар ва федерация ўртасидаги низоларни кўриб чиқади ва ҳал этади.

Федерация Кенгаши федерация қарорларини турмушга татбиқ этиш ва амалий фаолиятни ташкил қилиш учун президиум тузади.

Президиум федерация раиси, унинг ўринбосари, котиблар ҳамда федерация кенгаши таркибига кирган федерацияга аъзо бўлган ҳар бир ташкилотнинг биттадан вакилидан иборат бўлади.

Президиум таркиби федерация кенгашининг қарори билан тасдиқланади, президиум мажлислари зарур бўлиб қолганида, лекин камида икки ойда бир марта ўтказилади.

Президиум федерация кенгаши мажлислари орағида федерация ишига раҳбарлик қилади. Қабул қилинган қарорларни федерация кенгаши тасдиқлаши учун унинг мажлисида мунтазам ҳисобот бериб туради.

Президиум, федерация устави ва программаси ҳамда федерация кенгаши қарорлари доирасида ҳаракат қилиб:

Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерациясининг вакили бўлиб чиқади;

федерация кенгашининг съездига ва пленумларига муҳокама қилинадиган масалалар билан боғлиқ материалларни тайёрлайди ва тақдим этади, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини уюштиради;

федерацияга аъзо бўлган ташкилотлар ва мамлакатимиздаги ҳамда чет эллардаги бошқа касаба уюшмалари ташкилотлари билан алоқа боғлаб туради;

федерацияга бўйсунувчи муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг фаолиятини назорат қилади;

федерациянинг молиявий фаолиятини амалга оширади;

федерациянинг унга бўйсунувчи бўлинмалари раҳбарларини тасдиқлайди;

федерация аппаратининг вазифалари, тузилиши, иш тартиби, иш ҳақи фондини тасдиқлайди;

давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан музокаралар олиб бориб, федерация номидан шартномалар ёки битимлар тузади;

тузилган шартномалар ва битимларнинг бажарилишини уюштиради.

Федерациянинг сайлаб қўйиладиган органларидаги раҳбар лавозимлардан бирини кетма-кет икки муддат мобайнидагина эгаллаб туриши мумкин.

3. 4. Қорақалпоғистон АССРда, вилоятларда уюшмалараро органлар ташкил қилинмоқда. Булар касаба уюшмаларининг мувофиқлаштирувчи, ижро этувчи, фармойиш берувчи органи сифатидаги вилоят кенгашларидир. Улар тенг вакиллик (ёки квота) принципига кўра тармоқ касаба уюшмаларидан тўғридан-тўғри делегат юбориш асосида тузилади.

Касаба уюшмаларининг тегишли регионал кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги қарор тармоқ касаба уюшмалари вакилларининг вилоят конференциясида қабул қилинади.

3. 5. Назорат-тафтиш комиссияси (тафтиш комиссияси).

Назорат-тафтиш комиссияси (тафтиш комиссияси) федерация съездида сайланади ҳамда қабул қилинган қарорларнинг ижросини, федерациянинг сайлаб қўйилган органлари, унга бўйсунувчи ташкилотлар ҳамда федерация мулки ҳисобланган корхоналар молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиб боради.

Назорат-тафтиш комиссияси (тафтиш комиссияси) аъзолари федерация кенгаши пленумлари, президиумлари ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашиши мумкин.

Комиссия фақат федерация съезди олдида ҳисоб беради.

Федерация кенгаши ва президиуми аъзолари комиссия таркибига кирмайдилар.

4. ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

4. 1. Ўзбекистон ССР Касаба уюшмалари федерациясининг съездининг, кенгашининг қарорлари мутлақ ва оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ҳамда камчиликни ташкил этувчилар фикри эълон қилинади.

4. 2. Касаба уюшмаларини федерацияга бирлаштирган муштарак манфаатлар ва принципларга тааллуқли қарорлар мутлақ кўпчилик овоз билан қабул қилинади, булар:

федерацияни тузиш ва тугатиш;

федерация устави ва программасини қабул қилиш;

федерация раиси ва кенгаши ваколатларини белгилаш;

федерация фаолиятини пул билан таъминлаш учун зарур бўлган аъзолик бадаллари миқдори ва уни тўлаш тартибини белгилаш;

федерацияга аъзолар қабул қилиш ва аъзоларни чиқариб юбориш;

федерация бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар;

федерацияга аъзо бўлган ташкилотларнинг асосий манфаатларига тааллуқли бошқа масалаларга доир қарорлардир.

4. 3. Агар қарорни ёқлаб съезд делегатларининг, кенгаш аъзоларининг учдан икки қисмидан кўпроғи овоз берган бўлса қарор мутлақ кўпчилик овоз билан қабул қилинган ҳисобланади.

4. 4. Аъзолар ёки делегатлар сонининг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, бундай қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинган ҳисобланади.

4. 5. Федерация президиумининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

4. 6. Федерация съездларида ва кенгаш мажлисларида овоз бериш шаклини (очиқ ёки яширин овоз беришни) съезд делегатлари, федерация кенгаши аъзолари белгилайдилар.

5. БИРДАМЛИК ЖАМҒАРМАСИ

5. 1. Бирдамлик жамғармаси табиий офат ва можароли вазиятлар муносабати билан федерацияга аъзо бўлган ташкилотларга моддий ёрдам кўрсатиш учун таъсис этилади.

5. 2. Жамғарманинг пул маблағлари:

федерация кенгаши белгилаб қўядиган аъзолик бадаллари улушидан;

федерацияга аъзо бўлган ташкилотларнинг ихтиёрийлик асосида қўшимча ажратмаларидан;

федерацияга кирмаган турли ташкилотларнинг ҳамда хусусий шахсларнинг соҳибкорлик ва ҳайрия фаолиятидан тушумлар, ионалардан иборат бўлади.

5. 3. Федерацияга кирувчи ташкилотлар ҳал қилиш учун жамғарма маблағи талаб қилинадиган меҳнат низолари тўғрисида президиумга ўз вақтида хабар қилади.

5. 4. Федерация президиумининг қарори жамғармадан маблағ ажратиш учун асос бўлади.

6. КАСАБА УЮШМАЛАРИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ ҚУРИШ ЖАМҒАРМАСИ

6. 1. Касаба уюшмаларининг соғломлаштириш объектларини қуриш жамғармаси федерация кенгаши томонидан белгилаб қўйиладиган аъзолик бадаллари улушидан, бошқа тушумлардан ташкил топади ҳамда касаба уюшмалари шифохоналарни, дам олиш уйларини спорт иншоотларини ва бошқа объектларни қуришга, янгилашга ва асосли ремонт қилишга сарфланади.

7. МОЛ-МУЛК ВА ПУЛ МАБЛАҒИ

Федерация аъзоларининг кириш ва аъзолик бадалларидан;

ишлаб чиқариш, ноширлик ва тижорат фаолиятидан, маданий-маърифий тадбирлардан, спорт тадбирларидан ҳамда Қонун томонидан рухсат этилган фаолиятнинг бошқа турларидан келадиган тушумлардан;

турли режаларни амалга ошириш учун аниқ мақсадни кўзлаб ўтказилган тушумлардан, бошқа ташкилотлар ҳамда айрим фуқароларнинг омонатларидан ташкил топади.

Асосий фондлар ва оборот маблағлари федерациянинг алоҳида мулки бўлиб, у тортиб олиниши мумкин эмас.

7. 2. Федерация маблағи федерация кенгаши тасдиқлаган сметага мувофиқ сарфланади. Бу маблағни тасарруф этиш ҳуқуқи федерация президиумига берилади. Президиумнинг федерация молиявий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳар йили федерация кенгаши мажлисида тасдиқланади.

7. 3. Федерация чет эл фирмалари иштирокида ўз хўжалик бўлинмаларини, акционерлик жамиятларини, қўшма корхоналарни барпо этиш ҳуқуқига эга.

7. 4. Федерация ўз тижорат банкини барпо этиши, пул маблағларини ўзи танлаган банкларда сақлаши, қўйган омонатлардан фойда олиши, лотереялар ўтказиши, акцияларга эга бўлиши ва қарз бериши мумкин.

8. ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши юридик шахс мақомига эга бўлиб, унинг ўз муҳри, тамғаси, банкда счети ва рамзи бўлади.

•АХБОРОТ

Москва саҳнасида

◆ СССР Театр арбоблари уюшмаси СССР Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда Бутииттифоқ ёш драматурглар кўрик-фестивалини ўтказди.

Анжуманда фарғоналик ёш драматург, Ўзбекистон ССР халқ депутати Иномжон Турсунов ўзининг «Қоғоз қайиқчалар» пьесаси билан қатнашиб, мукофотга сазовор бўлди. Асар Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқий драма ва комедия театрида саҳналаштирилди.

«Бу телба дунё...» номи билан кўрик ҳайъати эътиборига ҳавола этилган спектакль режиссёр, жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби Карим Йўлдошев талқинига хос бўлиб, асосий ролларни Азиза Каримова, каби истеъдодли актёрлар ижро этишган. Кўрикда иштирок этишни истаган 500 та хоҳловчидан бор-йўғи 14 таси танлангани ҳам ғолибларга юқори талаб қўйилганидан далолатдир.

Н. МАҲКАМОВА.

Хайрия кечаси

◆ Ангор районида «Баҳс» деб номланган кўрик-конкурс ўтказилди.

Хайрия кечасига айланган бу мусоҳабада район марказий касалхонасининг «Шифокор» ҳамда маданият бўлимининг «Зиёкор» командалари қувноқлик ва зукколик бобида ўзаро беллашдилар. Мусоҳаба дастури ранг-баранг бўлиб, унинг иштирокчилари турли ва қизиқарли саволларга жавоб топиш, қўшиқ айтиш, рақсга тушиш бўйича синовдан ўтдилар. Баҳсга пухта ҳозирлик кўрган «Шифокор» қатнашчилари 143 балл тўплаб, муваффақият қозонишди. Хайрия тарзида уюштирилган кечадан тушган маблағ уруш ва меҳнат ветеранларига инъом этилди.

Л. ТАНГРИЕВ.

Чимкентда маданият маркази

◆ Чимкент вилоятининг Кентау шаҳрида ягона ўзбек мактаби бор. Бу ерда «Нафосат» ва «Орзу» вокал-чолғу ҳаваскорлик ансамбллари фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, «Шаҳло» рақс ансамбли иштирокчиларининг чиқишидан кўпчилик мамнун. «Нафосат» ансамбли иштирокчилари шаҳарлараро сафарларда ҳам бўлиб туришади. Мактабнинг драма тўгараги аъзолари эса А. Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар» пьесасини саҳналаштириб, кўпчиликни қувонтиришди.

Яқинда яна бир қувончли воқеа бўлди. Шаҳарда Ўзбек маданият маркази очилди. Бундан ташқари, мактабда эски ўзбек алифбоси курси ташкил этилган. Шаҳар газетаси ўзбек тилида нашр этилаётир. Айниқса, мактабга Алишер Навоий номининг берилиши ҳамда шаҳарнинг кўркам жойларидан бирида чойхонанинг очилиши маҳаллий аҳолининг кўнглидагидек иш бўлди.

Н. САДАНОВА.

Ўлкамиз ноз-неъматлари

Бағдод районидаги «Большевик» жамоа хўжалиги боғбонлари бу йил 520 тонна маҳсулот тайёрлашга аҳд қилишган. Боғларда мевалар ғарқ пишган. Хўжаликнинг болалар боғчаси тарбияланувчиларига ҳам шу боғда етиштирилган мевачевалар бериляпти.

◆ Тарбиячи Васила Ҳамдамова боғча болаларига атаб ўрик термоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ибн Сино мадади

● «Совет Ўзбекистони» рўзномаси таҳририяти ҳузурида «Ибн Сино мадади» тиббиёт олимлари маслаҳат-кенгаши ўз ишини бошлади. Кенгаш аъзолари — жумҳуриятимизнинг таниқли олимлари аллома Ибн Синонинг ўлмас меросига таянган ҳолда инсон соғлиғини ҳозирги замон усуллари билан муҳофазалашда ўзларининг қимматли мақолалари билан қатнашадилар. Кенгашга медицина фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон невропатологлар жамияти раиси Наби Мажидов раҳбарлик қилади.

«Ибн Сино мадади» маслаҳаткенгаши аъзолари орасида жумҳурият Фанлар академияси академиклари Ё. Тўрақулов, У. Орипов, профессорлар У. Зокиров, Т. Даминов, Э. Маҳкамов, М. Комилов, Э. Қосимов, фармакология фанлари номзоди Э. Жўраев, жумҳурият «Саломатлик» марказининг шифокори А. Эргашев, «Совет Ўзбекистони» фан, маданият ва халқ таълими бўлими мудири М. Пирматов бор.

Бугун «Ибн Сино мадади» маслаҳат-кенгаши раиси Н. Мажидовнинг дастлабки мақоласини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Иш ва турли халқаро илмий анжуманлар тақозоси туфайли хорижий мамлакатларда тез-тез бўлишга тўғри келади. Ҳар бир сафарнинг ўзига хос излари бор. Лекин бир неча йил муқаддам Америка Қўшма Штатларига қилган илмий-амалий саёҳатимнинг излари сира унутилмасдир.

АЛЛОМА ОЛДИДАГИ ҚАРЗ

АҚШда даволаш ва муҳофазалашнинг янги методларини ўрганаётиб, мамлакатнинг турли бурчакларида жойлашган йирик даволаш муассасаларида бўлдим. Бу ерда йирик кўп профилли шифохоналар — «Саломатлик марказлари» деб аталади. Ҳар бир шаҳарнинг саломатлик маскани медицина фанлари ва соғлиқни сақлаш усуллари билан танишар эканман, илмий изланишларим натижалари бўйича лекциялар ўқишга тўғри келар эди.

Канзас—Сити шаҳрида лекция ўқиб бўлгач дам олиб ўтиргандим, ёнимга шу штатнинг саломатлик маркази раҳбари кириб келди. Кўринишдан у ниҳоятда хурсанд, мени ҳам мамнун этиши шундоққина сезилиб турарди. У менга «Сизни ҳозир улкан медицина китоблари кутубхонасига олиб бораман» деди. Мамнун бўлиб унинг орқасидан юрдим.

Марказдаги кутубхона ҳам энг сўнгги жиҳозлар билан безалган, ойнаванд эди. Ҳамроҳим ойна остидаги улкан жилдлик китобларни менга кўрсатаркан:

— Сизнинг ватандошингиз, тиббиёт фанининг буюк намояндаси ва улуғ мутафаккир Абу Али ибн Синонинг беш жилдлиги! — деди. — Виласизми, бу хонага ҳеч ким қўйилмайди. Ибн Сино Ватанидан, туғилган юртидан ва унинг авлоди бўлганингиз учун сиз бундан мустасносиз.

Ҳа, мен Ибн Сино, яъни тиббиётнинг тамал тошини қўйган буюк инсон туғилган заминданман!

Фахр-ифтихор туйғуларига тўлиб-тошиб хонага кирдим. Хонада автоматик қурилмалар кўп, барча ишлар компьютерлаштирилган. Ойна тагида «Тиб қонунлари»нинг XV асрда француз тилида босилган нусхаси бор эди. Унинг узоқ даврлардан кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинаётгани шундоққина кўриниб турарди. Хорижлик дўстларимнинг улуғ Ибн Сино ва унинг илмий ижодига бўлган бундай муносабати, иззат-ҳурмати мени ҳамон тўлқинлантиради.

Ҳақиқатан Ибн Сино замонасини ўн асрдан зиёдроқ вақт ажратиб турса-да, замондошларимиз буюк алломанинг тенги йўқ асарларига қайта-қайта назар ташлайди. Бунинг сабаби, улуғ олимнинг асарларидан жой олган туганмас илм хазинаси 1000 йил олдин ёзиб қолдирилган илмий асосларининг ҳозирги замон тиббиёти қонунларига айнан тўғри келаверماса-да, унинг ноёб асарлари ҳозир ҳам машъал бўлиб нур таратишидадир.

Буюк мутафаккир олимнинг қайси асарларига назар ташламайлик — бу хоҳ ички касалликлар, фармакология, урология, онкология, жарроҳлик ва асаб касалликлари бўлсин, ҳар бир мутахассис ўзи учун керакли янгиликнинг гувоҳи бўлади.

Айниқса, алломанинг ички касалликларни ўрганишдаги хизматлари катта. Бу тўғрида академик Б. Д. Петров (1954) шундай деб ёзган эди: «Касаллик белгиларини баён этишдаги аниқлик, диагностика соҳасидаги аниқлик, турли соҳаларда қилинган кашфиётлар, айниқса ички касалликлар борасидаги ютуқлар Ибн Синонинг тенги йўқ синчковлигидан, ўткир қобилият эгаси эканлигидан, ҳам унинг кўзга кўринмас белгиларни илғаб олиш хусусияти борлигидан далолат беради, қайсики алломанинг замондош ҳамкасблари бу борада сукут сақлашган ёки асоссиз мулоҳазалар юритишган».

Буюк аллома касаллик аломатларига қараб унинг сабабини аниқлашни ўзининг асосий вазифаси деб билган. У китоблардан назарий жиҳатдан фойдаланувчи синчков ва ишбилармон олим бўлибгина қолмай, балки ўзининг амалий тажрибаларини умумлаштириб оламшумул хулосалар чиқарган.

Ибн Сино болани чақалоқлик давридан бошлаб гигиена қоидаларига мувофиқ тарбиялаш соғлиқни сақлашнинг асосий омилларидан бири деб билган. Бу фикрлар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Академик В. Воҳидов олимнинг «Тиб қонунлари»нинг жарроҳлик бўлимини ўрганиб: «Баъзи бир операцияларнинг бажарилиш жараёни жарроҳлар учун Ибн Сино асарларида жуда содда ва аниқ баён этилган, Ибн Синогача ўтган улуғ алломалар — Гиппократ ва Гален томонидан ёзилган бир қатор операциялар методикаларини олим чуқурлаштирган» дейди.

Амалий тиббиёт ва қадимги олимларнинг фалсафий талқинларини чуқур ўрганиб Ибн Сино нафақат юқумли касалликларнинг юқиш омиллари тўғрисида гипотеза яратди, ваҳолонки, ҳавони, сувни хилқитлардан тозалаш каби бир қатор муҳофазалаш тавсиялари берди.

Ибн Сино ўзининг узоқни кўра оладиган даҳо қобилияти туфайли юқумли касалликларни тарқатувчи кўзга кўринмас микроблар тўғрисида биринчи мулоҳазалар юритди.

У юқумли касалликларни тарқатишда овқат, ҳаво, уйжой, кийим-кечак, паррандалар, ўрмалаб юрувчилар чақиши каби омилларга, шунингдек юқумли хасталиги бор беморларнинг тўғридан-тўғри касаллик тарқатишларига катта эътибор берди.

Ибн Сино ўзининг амалий тажрибалари асосида биринчи бўлиб менингитнинг белгилари ва жараёни тўғрисида ўзининг «Тиб қонунлари»да талқин этган.

Буюк олим буйракдаги ва сийдик қопидаги тошларни даволашда дори-дармон йўли билан даволашдан ташқари жарроҳлик усулини қўллади ва алоҳида таъкидлади: «Тошларни даволашда шифокорларнинг асосий вазифаси: тош пайдо бўлишнинг олдини олиш, тош пайдо қилувчи асосий сабабларни йўқотиш, шундан кейин тошларни майдалаш керак».

«Тиб қонунлари»даги ҳамма бўлимлар хулосаларининг мукаммаллиги ва мантиқ жиҳатдан баркамоллиги Ибн Синонинг ҳақиқий даҳо аллома эканлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Кейинги минг йил ичида алломанинг «Тиб қонунлари» китобининг турли бўлимлари устида кўпгина илмий изланишлар олиб борилди. Масалан, К. Шпрингель «Тиб қонунлари»нинг асаб системасига бағишланган бўлимини араб тилидан немис тилига таржима қилди.

Араб тиббиёти ва фалсафасининг ривожланишида Ибн Сино асарларининг таъсири катта эди. Улуғ мутафаккир асарлари билан Ф. Бэкон ҳам танишган. Бэкон давридан олти аср аввал Ибн Сино Декартнинг рационалистик фалсафасига ўхшаш фалсафа яратган ва шундай хулосага келган: «Мен ўйлаяпман, демак ҳаётман».

Ибн Синони ўзининг устози деб билган ажойиб шоир, олим, буюк файласуф, математик, астроном ва шифокор Умар Хайём 1079 йилда алломанинг «Хутба» деб номланган фалсафий иншоотларини форс тилига таржима қилган. Умар Хайём Ибн Сино илмий-фалсафий қарашларининг давомчиси эди.

Буюк олимнинг тиббий ғоялари, қарашлари қадимги грузин назарий ва амалий тиббиётида ўз ифодасини топган ва Сино Экими номи билан машҳур бўлган. Машҳур италиялик олим, математик ва шифокор Джироламо Кардано (1501—1576) Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»ни шарҳлаб, руҳнинг боқийлиги тўғрисида шундай деб ёзган эди: «Менинг ҳамма ғояларим, ўзимгамас, балким Ибн Синога тааллуқлидир, чунки унинг назариялари фалсафий қарашлар орасида ҳақиқатга яқин ягона ғоялардир. Мен буни бажонидил тан оламан».

XVI асрда яшаб, ижод этган шифокор олим Убайдулла Бин Юсуф—Али Каххал Ибн Сино асарлари асосида ўзининг «Шифо ал—алил» асарини яратди. Бу асарда олим бош миянинг тузилиши, бош оғриғи ва руҳий касалликларнинг сабаблари, уларни ажрата билиш ва даволаш усуллари тўғрисида баён этган.

XVII—XVIII асрларда яшаб, ижод этган олим Муҳаммад Козим ҳам Ибн Сино асарлари асосида ўзининг «Бош мия касалликлари» деган китобини яратди.

Тиббиёт фанида жуда катта кашфиётлар яратган А. Везалий (1514 —1564) Ибн Сино асарларини қунт билан ўрганиб, Ибн Синонинг анатомия соҳасидаги маълумотларининг аниқлигини тан олади, унинг методологик маслаҳатларига амал қилади. А. Везалийнинг ёзган асарлари Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»даги анатомияга бағишланган бобига жуда мос келади ва «Сирлар сири» деган асарида Ибн Сино таълимотига қайта-қайта мурожаат этади.

Психотерапияга асос солган рус олими М. Я. Мудров беморни даволашда унинг руҳий ҳолатини назарга олган ҳолда «касалликнимас, балки беморни даволаш керак» деган хулосага келган, Худди шу тарздаги қарашларни биз «Тиб қонунлари»нинг кўпгина бобларида учратамиз.

Буюк олим ўзининг ўткир назари ва бой шифокорлик амалиёти заминида бундан 1000 йил олдин қўлланган даволаш усуллари ҳозирги пайтда ҳам муваффақият билан ишлатилмоқда. Айниқса, унинг ички касалликлар клиникасида шартли рефлекслар ҳосил қилиш йўли билан даволаш усули кенг йўлга қўйилган.

Буюк олим инсон ҳаётида асаб системасига катта аҳамият берган ва ўзининг бой тажрибаси ва экспериментларига асосланиб, уларни мустаҳкамлаб, ҳозирги авлодлар давр қарашларига мос бир қатор касалликларнинг аломатларини ёзиб қолдирган.

Ибн Сино «саломатлик ва касаллик» масалаларини тўғри талқин этган, ҳатто XX аср тиббиётида ҳам илғор фикрлар юритган. Ҳозирги замон тиббиёти асосан бемор кишиларни даволайди. Касалнинг кўзга кўринмайдиган бошланғич даврида уни даволовчи муассасалар қабул қилмайдилар, беморларнинг ўзлари ҳам врачга мурожаат қилмайдилар.

Ҳолбуки Ибн Сино касалликни даволашдан ташқари унинг олдини олиш кераклигини уқтириб, уни «саломатликни сақлаш тўғрисидаги фан» деб атаган.

Касалликларга йўл қўймаслик тўғрисида фикр юритаркан, Ибн Сино у ёки бу фойдали даво омилларидан ҳаддан ташқари фойдаланишнинг зарарига катта эътибор бериб қуйидагиларни ёзган: иссиқ ҳаммомда узоқ ўтирган одам тез ҳушидан кетиб, бўшашади, асаблари таранглашиб, иштаҳаси бўғилади ва жинсий қобилияти пасаяди.

Атмосфера ўзгаришининг одам организмига таъсири тўғрисида ҳам Ибн Сино баҳоят оригинал хулосаларга келган, яъни унинг уқтиришича, мавсумий касалликларнинг пайдо бўлиши фақат бир фаслдан иккинчи фаслга ўтишга боғлиқ бўлибгина қолмай, балки обҳавонинг бир кун ичида ўзгаришига ҳам боғлиқдир.

Ибн Сино қўлланган кўпгина дори-дармонлар ҳозирги замон тиббиётида кенг ишлатилади, баъзилари эса умуман ишлатилмайди ёки эсдан чиқарилган.

Дори-дармондан ташқари Ибн Сино касални даволашда секинлик, об-ҳавони ўзгартириш, парҳез, бадан тарбия, банка қўйдириш, қон чиқариш каби муаллақ турларини ҳам тавсия қилган.

Шундай қилиб, машҳур шифокорнинг асарлари асрлар давомида назарий ва амалий тиббиётга хизмат қилиб келмоқда ва бир қатор тилларга ўгирилган. «Тиб қонунлари» XVII асрга қадар Европа дорилфунунларида беқиёс, ягона қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Ибн Сино ва унинг «Тиб қонунлари»ни қанчалик ўргансак, ундан шунчалик кўп янгиликлар чиқаверади. Бу ҳақиқатни мен яқинда Берлинда бўлиб ўтган касалликларни даволаш усулларини такомиллаштиришга бағишланган халқаро анжуман пайтида яна бир карра қалбдан чуқур сездим.

Бу ерда Ғарбий германиялик олим, ҳозирги замон ютуқлари асосида юзага келган энг ноёб усуллар «мембрана ўтказгич усуллари» ёрдамида ҳар бир одам ўзига хос модда алмашувига, ўзига хос психологияга, организмда борувчи ўзига хос биохимик жараёнлар ва бошқаларга эга эканлиги тўғрисида мулоҳазаларни ўртага ташлади. Унинг фикрича ҳар бир берилаётган дори-дармон бир одамга бир хил таъсир этса, иккинчисига бошқача таъсир этади, учинчи, тўртинчиси ҳам шундай. Одамлар организмида бораётган биохимик жараёнларни немис олими айрим типларга бўлиб ташларкан, бу ғояга Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»да бундан минг йил илгари асос солинган, деб хулоса қилди.

Шундай қилиб, немис олими Ибн Синонинг мижозлар тўғрисида берган ғояларини, тиббиётни ҳозирги замон усуллари билан тасдиқлади ва янада бойитди.

Аммо биз, Ибн Синонинг ватандош олимлари, аллома асарларининг нусхаларига эга бўлганлар унинг қоидаларига ҳамма вақт кутилгандай, талаб қилинганидай амал қиляпмизми? Ҳозирги замон тиббиётимизда Ибн Сино таълимини иложи борича кўпроқ қўлланишга муваффақ бўляпмизми? Ибн Сино ва унинг қонунларини инкор қилувчи, камситувчи айрим шахсларнинг нотўғри қарашларига, муносабатларига ўз вақтида зарба бера оляпмизми?

Ибн Сино мададидан халқни баҳраманд этишда фаоллик кўрсатяпмизми?

Менимча, тиббиёт қонун-қоидалари, даволаш усуллари ҳақида кенг даврада яна бир бор батафсил фикрлашиб олиш вақти етди.

Н. МАЖИДОВ,
медицина фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон невропатологлар жамияти раиси.

«Вужуд руҳ амрига мойил»
Ибн СИНО.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АГАР СИЗ АЛОҚАЧИ ЁКИ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ИҚАРИШ БЎЙИЧА МУТАХАССИС БЎЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ, МАЛАКАНГИЗНИ ОШИРМОҚИ БЎЛСАНГИЗ МАРҲАМАТ, СОҲАМИЗ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА.

Дунё воқеаларидан, иттифоқимиздаги қайта қуриш билан содир бўлаётган ҳаётий воқеалардан, қолаверса ҳар бир янгиликдан ўз вақтида воқиф бўлишимизда радио ва телевиденининг, телефон ва телеграфнинг ҳамда матбуотнинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳаммага маълумдир.

Бу ишларни, халқимизнинг узоғини—яқин, оғирини енгил қилиш учун, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида, кунни тунга улаб, фидокорона меҳнат қилаётган ўз касбининг фидойилари — алоқа ходимлари бажармоқдалар.

Бундай шарафли касб эгаси бўлиб етишиш учун, иттифоқимиздаги Кишинев, Ленинград, Москва, Новосибирск ва Одесса алоқа институтлари билан бир қаторда жумҳуриятимиздаги **ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА ҲАМ ТАЪЛИМ ОЛИШ МУМКИН.**

Тошкент электротехника алоқа институти пойтахтимизнинг Этельс кўчи, 108-биносида жойлашган бўлиб, қуйидаги касблар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

— радио алоқачи радиоэшиттириш ва телевидение;
— автоматик электр алоқаси;
— кўпканалли электр алоқаси (алоқа ускуналари монтажи бўйича ихтисос

КЕЧКИ ФАКУЛЬТЕТДА — автоматик электр алоқаси;

СИРТҚИ ФАКУЛЬТЕТДА — автоматик электр алоқаси, кўпканалли электр алоқаси, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение.

Институт қошидаги хўжалик ҳисобидаги тайёрлов курслари ишлаб турди.

Кундузги ўқув фаси бўйича ўқиш муддати 5 йил ва кечки ҳамда сиртқи ўқув формалари бўйича ўқиш муддати 6 йил.

Иттифоқимизда 4 та махсус алоқа билим маскани бўлиб, улардан биримиз ҳримизнинг Усмон Юсупов кўчасидаги 70-бинода жойлашган Тошкент алоқа политехникумидир.

Бу ерда қуйидаги касблар бўйича мутахассислар тайёрланади:

— автоматик электр алоқаси;
— кўпканалли электр алоқаси;
— радио алоқаси радиоэшиттириш ва телевидение.

Кундузги ўқитиш (9) ва 10 (11) синфларни, сиртқи ўқитиш 10 (11) синфни битирганлар билан олиб борилади.

Почта алоқаси — кундузги ва сиртқи ўқитиш 10 (11) синфни битирганлар билан олиб борилади.

Ҳисоб-китоблаш (бухгалтерия ҳисоби), хўжалик фаолиятини назорат қилиш касбларини сиртқи бўлимда 10 (11) синфни битирганлар билан олиб борилади.

Алоқа соҳасидаги энг тарқалган касбдаги ишчилар иттифоқимиздаги 93 алоқа билим юртларида тайёрланади. **ЖУМҲУРИЯТИМИЗДАГИ 4-АЛОҚА ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ШУАР ЖУМЛАСИДАНДИР.**

Бу ўқув маскани Тошкент шаҳрининг Пушкин кўчасидаги 7-бинога жойлашган.

Билим юртида қуйидаги касблар бўйича ишчилар тайёрлайди:

— телефон алоқаси ва радиолаштириш электромонтёри;
— ЭҲМ оператори

Бу касблар бўйича 8 (9) синфни битирганлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Телефон станциясиниг ишоотлари бўйича ўқиш муддати 10 (11) синфни битирганлар учун — 1 йил ва 8 (9) синфни битирганлар учун 3 йил.

Телеграфчи, шаҳарлараро телефон станциялари телефончилари, алоқа операторлари, радиооператорлар (обҳавони кузатиш хизмати учун) касбларига 10 (11) синфни битирганлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Азиз ўртоқлар, алоқачилар сафидан ўрин олмоқчи бўлсангиз, марҳамат, алоқа ўқув даргоҳлари сизни кутмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА ВАЗИРЛИГИНИНГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ БОШҚАРМАСИ.

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги
1-ТОШКЕНТ ИНДУСТРИАЛ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ

1990-1991 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқариш жиҳозларини монтаж ва ремонт қилиш, металларни кесиш усуллари билан ишлаш, саноат ва граждан қурилиши.

ЎҚИШ МУДДАТИ: кундузги ва сиртқи бўлимда 10 йилликни тамомлаганлар учун 2 йилу 10 ой.

Техникумга 18 ёшда 30 ёшгача бўлган (сиртқи бўлимга қабул қилинганларнинг ёши эътиборга олинмайди), маълумоти 10 синфдан кам бўлмаган ва слесарь, токарь, қурилиш ҳунарларининг бирида камида 3 разрядли-бўлиб, ҳунар-техника билим юртини битирганлар учун 1 йиллик, муассасалардан келганлардан 2 йиллик стажлари бўлган эркаклар ва хотин-қизлар қабул қилинади.

Техникумнинг кундузги ва сиртқи бўлимига кирувчилар 1 августдан 20 августгача: МАТЕМАТИКА (оғзаки), **ОНА ТИЛИ** (ёзма) ва **ТАНЛАНГАН ҲУНАРЛАРИ бўйича разрядга кириш имтиҳонларини топширадилар.**

Кундузги бўлимга қабул қилинганлар қуйидагилар билан таъминланадилар: унига 3 маҳал иссиқ овқат, ёзги ва қишки кийим, ҳунар кийими, дам олиш ва иш вақтида оёқ кийими, ётоқхонага (ошқа шаҳардан келганлар учун), стипендия.

ҲУЖЖАТЛАР 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ариза, меҳнат дафтарчасидан нусхаси, маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), соғлиғи ҳақида справка (086/У форма), 3x4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат (бош кийимсиз).

Техникум қўнимгоҳи: 700167, Тошкент шаҳри, 4-Сарикул тупиги, 1-уй.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари иқтисодий кибернетика кафедрасининг доценти

Нурмат АЛИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Прокуратураси раҳбарияти, коллегияси, партия, касаба уюшмаси ташкилотлари ва жамоаси жумҳурият прокуратурасининг кекса ходими

Ғуломжон Жалолович ЖАЛОЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тил ва адабиёт институти жамоаси илмий ходим Х. Ғаниева

Турсунбой ЎЗГАНБОЕВ ва укаси

Убайдулла ЎЗГАНБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги жамоаси Тошкент давлат педагогика институтининг ректори вазифасини бажарувчи М. А. Зоидова опаси

Зоҳида ЗОИДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СПОРТ

Енгил атлетика:

ЯНА БИРИНЧИ

Сеул Олимпиадасининг кумуш медали совриндори тошкентлик Радион Гатаулин спорт мавсумини кўтаринки руҳда ўтказмоқда. У йил бошидан бери эришган муваффақиятларини яна биттага кўпайтирди. Бу сафар Хельсинкида ўтказилган халқаро мусобақада лангар билан сакраш бўйича 572 сантиметрли маррани эгаллаб, ғолиблик супасига кўтарилди.

Велопойга: **СОВРИНЛИ ЎРИН**

Тамбов шаҳрида қизлар ўртасида ўтказилган СССР биринчилигида жумҳуриятимиз вакиллари совринли ўринларни олишга ҳаракат қилишди. Чунончи, Зулфия Забарова 15 километрга ўтказилган пойгада 22.20 минутли натижа билан ғалаба қозонди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● Биринчи лига. Мамлакат чемпионатининг навбатдаги яна иккита тур ўйинлари бўлиб ўтди. «Пахтакор» футболчилари дам олишди. Ҳозир спартакчилар билан «Металлург» коллективи 24 тадан очко билан олдинда боришмоқда. Ставрополь динамочилари билан «Шинник» ҳисобида 21 тадан очко бор. «Пахтакор» 19 очко билан бешинчи бўлиб турибди.

● ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. Бугун чорак финал учрашувлари бошланади. Ҳозир Италияга тўпланган 24 командининг учидан бири курашин давом эттирмоқда. Бугун Аргентина—Югославия, Ирландия—Италия командалари майдонга тушадилар. Эртага ЧСФР—ГФР ва Камерун—Англия футболчилари ўйнайдилар. Ана шу учрашувлардан кейин камида бронза медалини нақд қилиб қўйган командалар маълум бўлади.

Муҳаррир ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ.

Р. — 01403. № 147. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12